



**Fidoyilik –
Vatanga xizmat demak!**

Zarafshon

www.zarnews.uz
https://www.facebook.com/zarnews.uz
@zarnews_uz
https://twitter.com/zarnews_uz

Кун ҳикмати

Вақт инсон учун
ҳамиша ёнидаги
бойликдир.
Вақтни ҳеч ким
олиб қўймайди,
уни ўзимиз
йўқотиб қўямиз,
холос

1913-yil aprel oyidan chiqqan boshlagan

zarafshonbot



Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни
телефонингиз орқали сканер қилинг

2021-yil 18-mart, payshanba, 32 (23.468)-son



ЕТТИ СОТИХ ЕРДАН 70 МИЛЛИОН СЎМ ДАРОМАД

Пахтачи туманининг Наҳрипай маҳалласида яшовчи Утман Шомуродов томорқасидаги 7 сотихлик иссиқхонада асосан гул кўчатлари етиштирилади. Бу ердан йилига икки марта фойдаланиб, 70 миллион сўмгача даромад қилади.

– Ўн йилдан буён шу иш билан шуғулланиб келаман, – дейди ў.Шомуродов. – Кейинги йилларда вилоятимизда йўл четларига экиладиган гулларга эҳтиёж ортаётгани сабаб, ҳовлимда иссиқхона қурдим ва бир мавсумда 100 минг туп кўчат етиштирипман. Оиламизда 4 киши шу иш билан банд. Мижозларимиз сони кун сайин ортиб борапти. Навоий вилоятидан ҳам буюртмалар оляпмиз.

Банкдан 70 миллион сўм кредит олиб, аканинг томорқасига ҳам 7 сотихлик иссиқхона қурдик. Бу яна 4 та иш ўрни яратди.

Хонадондаги 10 сотихлик томорқанинг қолган қисмидан ҳам унумли фойдаланилмоқда.

**Дилдора МУҲАММАДИЕВА,
Бахтиёр МУСТАНОВ (фото).**

Самарқандда кимё ва биологияга ихтисослашган 8 та таянч мактаб ташкил этилади

2021 йил 16 мартда вилоят ҳокимининг “Умумтаълим мактаблари негизида кимё ва биология фанларини чуқурлаштириб ўқитишга ихтисослаштирилган таянч мактабларни ташкил этиш тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.

Унга кўра, Булунғурдаги 22-, Иштихондаги 51-, Каттакўрғон туманидаги 56-, Қўшрабоддаги 34-, Оқдарёдаги 45-, Самарқанд туманидаги 33-, Тойлоқдаги 30- ва Самарқанд шаҳридаги 14-умумий ўрта таълим мактаблари негизида 2021 йил 1 сентябрдан кимё ва биология фанларини чуқурлаштириб ўқитишга ихтисослаштирилган таянч мактаблар ташкил этиш белгиланди.

Ўқувчиларни ўқитиш ва билимларини баҳолашнинг замонавий услубларини жорий қилиш, шу жумладан, рақамли ўқув воситалари ва масофавий таълим шаклини кенг қўллаш, шунингдек,

таълим жараёнини, умумий касб маҳоратини шакллантиришга йўналтириш, ўқув дастурларининг рақамли иқтисодиёт талабларига мослаштириш таъминлаш ва бу борада таълим ҳамда илмий-тадқиқот муассасалари, давлат идоралари ва тармоқ корхоналари билан ҳамкорликни ривожлантириш таянч мактабларнинг асосий вазифалари ҳисобланади.

Янги мактабларга ўқувчилар 2021/2022 ўқув йилидан бошлаб белгиланган тартибда, ихтисослаштирилган синфларга қабул қилинади. Шунингдек, мазкур муассасаларга юқори малакали педагог кадрлар ишга олинади.

ХДП вилоят кенгаши раиси алмашди

Мазкур масала кўрилган пленум ишида партиянинг Марказий Кенгаши раиси Улугбек Иноятов иштирок этди.

Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши раиси дастлаб Оқдарё туманида бўлди. Бу ерда амалга оширилаётган бунёдкорлик, хусусан, ижтимоий кам таъминланган оилаларга қўрсатилаётган ёрдам ишлари билан танишди.

Дастлабки манзил Пўлатдархон массивида бунёд этилган Ёшлар меҳнат гузари эди. Бу ерда гўзаллик саломи, замонавий эшик-дараза ромлари ясаш цехи, дорихона, умумий савдо шохобчаси, фотосалон ва компьютер хизматлари фаолияти йўлга қўйилган. Шу орқали 10 нафарга яқин ёшлар иш билан таъминланган.

ХДП Марказий Кенгаши раиси ва туман мутасаддилари раъсий дарвозани очиб, тадбиркорлар фаолиятига муваффақият тилади.

Тадбирдан сўнг Улугбек Иноятовга бир нечта мурожаат келиб тушди. Аҳоли катта йўлга уланган ички йўлнинг бошига светофор ўрнатиш, ҳудуддаги мактаб қувватини ошириш ёки янги таълим маскани қуриш масалалари ХДП Марказий Кенгаши раиси томонидан назоратга олинандиган бўлди.

Партия фаоллари шунингдек, туманининг чекка ҳудуди – Авазали маҳалласида бўлди. Илгари Россияда ишлаб, яқинда янги уйга кўчиб кирган Абдор Омоновга рўзгор буюмлари совға қилинди.

Унинг мўъжаз иссиқхонасидан чиққан партия фаолларига навбатдаги мурожаат билдирилди.

– Асаларичилик бўйича туман Халқ банкига мурожаат қилиб, барча ҳужжатларни топширганман. Илтимос, фаолиятни йўлга қўйиб олишимда кўмак берсаларингиз, – дейди Салоҳиддин Исмолов.

Мазкур масала ҳамда маҳалладаги катта йўлга чиққунга қадар 3 километрдан зиёд йўл таъмирталаблиги тегишли мутасаддиларга етказилиб, назоратга олиниши билдирилди.

Мисол учун, бугун айрим хотин-қизларга пишириқ печи ёки жисмоний имконияти чекланган фуқарога ногиронлик аравачаси олиб келиб бердик. Жараёнда бир онахон қизлардан қолган набираларини ўқитишда қийналаётганини айтиб қолди. Маълум бўлишича, ёшларнинг бири Самарқанд давлат университетиде тўлов шартнома асосида ўқиётган экан. Тўловни енгиллаштириш ёки ёрдам қилиш сўралди.

Албатта, бундан тегишли мутасаддилар билан кўриб чиқамиз. Аммо ўзи кекса ёки ижтимоий кам таъминланган васийлар қарамогидегиларнинг тўлов контракт масаласи қонунчилигимизга киритилиши керак эканлиги ҳам аён бўлмоқда.

РАИС ПЛЕНУМДА САЙЛАНДИ

Халқ демократик партияси вилоят кенгашининг навбатдаги пленуми бўлиб ўтди. Унда ташкилий масала кўриб чиқилди. Қайд этилишича, партия вилоят кенгаши раиси Баҳодир Негматовнинг аризасига биноан у билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинган. Вилоят кенгаши раислигига Бадриддин Насриев номзоди тавсия этилди ва пленум иштирокчилари қўллаб-қувватлади.

Ўз мухбиримиз.

Вилоятда коронавирусга қарши эмлаш қачондан бошланади?



– Ўта юқумли касалликка қарши эмлашни ташкил этиш учун жиддий тайёргарлик қўрилди, – дейди вилоят санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги бошқармаси иммунопрофилактика бўлими бошлиғи Шоира Халилова. – Бошқармаимизда эмлаш ишларини мувофиқлаштириб турувчи штаб фаолият кўрсатмоқда. Вилоят бўйича 503 та даволаш-профилактика муассасасида эмлаш пунктлари ташкил этилган бўлиб, уларда малакали шифокор-вакцинаторлардан иборат 352 бригада ишлайди. Шунингдек, жойларга чиқиб эмлашни олиб борувчи 186 та бригада шакллантирилган.

Эмлаш ишларини олиб бориш учун махсус семинарлар ташкил этилиб, 1077 нафар вакцинатор ва уларнинг ёрдамчилари, 456 нафар оилавий шифокор ва иммунологлар, 477 нафар бошқа мутахассислар қайта тайёрланди. Келтирилган вакциналар махсус курилган омборларда сақланади. Ҳар бир туманга биттадан махсус музлаткич ўрнатилган минивен машиналари, шаҳар ва туман санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги бўлимига 57 та музлаткич берилди. Шунингдек, 200 та эмлаш пунктига совутиқчилар ўрнатилди.

Республика коронавирусга қарши курашиш махсус комис-

сиясининг қарорига кўра, эмлаш босқичма-босқич олиб борилади. Дастлаб 65 ёшдан юқори бўлган кексалар, сўнгра тиббиёт ходимлари, сурункали касалликка чалинган беморлар, ўқитувчи ва мактабгача таълим ташкилотлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари эмланади. Бугунги кунда вилоятимизда 65 ёшдан юқори бўлган 168 мингдан зиёд кексалар, 267 мингга яқин сурункали касалликларга чалинган беморлар истиқомат қилади. Тиббиёт муассасаларида эса тўлов эвазига махсус лицензия сақлаш ходимлари меҳнат қилади, улар бепул эмланади. Патронаж ҳамширалар эмлаш жойи ва вақти ҳақида хабар беради.

Яна бир гап. Эмлаш ихтиёрий бўлиб, ҳохламаганлар ундан бош тортиши мумкин. Бригадалар бир кунда 70 нафаргача кишини эмлаши мумкин. Кўчма бригадалар корхона-ташкilotларда, уйда ётиб қолган беморларнинг хонадонларига бориб ўз вазифаларини бажаришади.

Имтиёзли қатламга кирмаганлар, жумладан, навбатсиз олишни истовчи фуқаролар, меҳнат мигрантлари, хоржга ўқишга ёки ишга кетишни истовчилар эса тўлов эвазига махсус лицензияга эга бўлган хусусий тиббиёт клиникаларига мурожаат қилиб, вакцина олишлари мумкин.

**Дилмурод ТҶХТАЕВ,
З.БОЛТАЕВА олган сурат.**

«Сайёр қабул»

Оқдарёда 11 нафар маҳкум ўталмай қолган жазодан муддатидан илгари озод қилинди

Оқдарё тумани Халқ қабулхонасида вилоят суди раиси О.Ҳайитов ва вилоят маъмурий суди раиси Б.Диёров томонидан сайёр қабул ўтказилди.



Сайёр қабулда жиноят ишлари бўйича Оқдарё туман суди, иқтисодий ишлар ва фуқаролик ишлари бўйича Пайариқ туманлараро судлари раислари ҳам иштирок этди.

Қабул давомида бир қанча фуқаролар, тадбиркорларнинг мурожаатлари кўриб чиқилди. Айрим масалалар жойида ҳал этилди. Қолганлари бўйича муҳофазатчиларга ҳуқуқий тушунтиришлар берилди, деб хабар бермоқда вилоят суди жамоатчилик ва ОАВ билан ишлаш бўлими.

Жумладан, Оқдарё тумани Амир Темур маҳалла фуқаролар йиғини, Қарқарали кишлоғида яшовчи С.Мустафоев ўзига тайинланган жарима жазосини камайтириб беришни сўраб му-

рожаат қилди. Вилоят суди раиси мурожаатчи билан суҳбатлашиб, масаланинг мазмун-моҳияти ва сабабларини ўрганди. Шундан сўнг, унга Оқдарё тумани ИИБ томонидан тайинланган жарима жазоси қонуний тартибда камайтириб берилди.

Шунингдек, жиноят ишлари бўйича Оқдарё тумани суди томонидан туман ИИБ пробация гуруҳи ҳисобиде турган, тузалиш йўлига кирган маҳкумларга нисбатан тўпланган материаллар сайёр суд мажлисида кўриб чиқилди. Қилмишдан пушаймон бўлган, тузалиш йўлига қатъий ўтган, содир қилган жинояти ва унинг ҳуқуқий оқибатларидан ўзига тегишли хулоса чиқарган, жазони ижро этиш даврида тартиб-интизом билан ИИБ ходимларининг ишончини оқлаган 11 нафар маҳкум ўталмай қолган жазодан муддатидан илгари шартли равишда озод қилинди.

Яна 18 нафар фуқарога нисбатан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар сайёр суд мажлисида кўриб чиқилиб, ҳуқуқбузарлик ҳаракатлари бартараф этилганлиги сабабли маъмурий ишлар ҳаракатдан тугатилди.

Давлат солиқ хизмати органларига ишга қабул қилиш учун номзодларни саралаб олиш фақатгина “Давлат фуқаролик хизматчилари вакант лавозимларининг ягона очиқ портали” дастурий-аппарат комплекси (vacancy.argos.uz) портали орқали очиқ мустақил танлов асосида амалга оширилади.


Солиқ органларига «ARGOS» орқали ишга қабул қилинади

Ушбу тизимнинг жорий қилиниши солиқ органлари томонидан коррупциянинг олдини олиш, давлат органлари ва ташкilotларининг ягона кадрлар сиёсатида риоя қилиш, кадрларни самарали бошқариш ва салоҳиятини ривожлантириш, малакали кадрларнинг рақобатбардор захирасини шакллантириш ва бўш иш ўринларини ўз вақтида тўлдиришда катта қadam бўлмоқда.

Солиқ хизмати органларида давлат фуқаролик хизмати меритократия (муносиб ва қобилиятли номзодларни танлаш, ишга қабул қилиш ва рағбатлантириш), «карьерга модели», меҳнатга ҳақ тўлашнинг ягона тизими, кадрларни ижтимоий ҳимоялаш, мотивация ва рағбатлантириш тамойилларига асосланади.

Айни пайтда вилоят давлат солиқ бошқармаси тизимидаги вакант лавозимларга очиқ танлов эълон қилинган. Солиқ тизимида ишланиш мақсад қилган номзодлар куйидаги лавозимларга очиқ мустақил танловда иштирок этишлари мумкин:

- Оқдарё тумани давлат солиқ инспекцияси ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш секторида ишларни ташкил қилиш бўлими давлат солиқ катта инспектори (2-секторга масъул) 0,5 ставка;
- Оқдарё тумани давлат солиқ инспекцияси ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш секторида ишларни ташкил қилиш бўлими давлат солиқ катта инспектори (3-секторга масъул) 0,5 ставка;
- Каттакўрғон шаҳар давлат солиқ



инспекцияси солиққа оид ҳуқуқбузарликлар билан ишлаш шўъбаси давлат солиқ бош инспектори;

– Пахтачи тумани давлат солиқ инспекцияси ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш секторида ишларни ташкил қилиш бўлими давлат солиқ катта инспектори (2-секторга масъул) 0,5 ставка.

Танловда иштирок этиш истагида бўлган номзодлар Давлат хизматини ривожлантириш агентлигининг “Давлат фуқаролик хизматчилари вакант лавозимларининг ягона очиқ портали”дан (<http://vacancy.argos.uz/>) рўйхатдан ўтишлари, мавжуд вакант лавозимни танлаб, сўралган ҳужжатларни электрон шаклда тақдим этишлари лозим.

Ҳужжатлар 2021 йил 12 мартдан 21 мартгача (шу куну ҳам) қабул қилинади.

**Ё.МАМАТОВ,
вилоят давлат солиқ бошқармаси бўлими бошлиғи.**

Инсоният тараққийётнинг қанчалик юксак чўққиларини забт этмасин, турли хавф-хатарлар ва иллатлардан халос бўлгани йўқ. Ҳеч шубҳасиз, жамият фаровонлиги ҳамда тараққийётга тўсиқ бўлаётган ана шундай иллатлардан бири ва энг хавфлиси коррупциядир.

Тахлилларга кўра, дунё иқтисодиёти ҳар йили коррупциядан 2,6 триллион доллар зарар кўрмоқда. Бу дунё япни махсулотининг тахминан 5 фоизини ташкил этади. Мазкур рақамлар фақат иқтисодиётдаги зарарлар, холос. Одамларнинг ҳаёти ва тақдирига дахл қиладиган зиённи эса ўлчашнинг имкони йўқ.

Юртимизда ҳам бу иллатга қарши мурасасиз кураш олиб борилмоқда.

Вилоятимизда коррупцияга нисбатан мурасасиз муносабатни шакллантириш, давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида коррупцияга қарши курашиш борасида муайян ишлар амалга оширилди. Таассуфки, 2020 ва жорий йилнинг ўтган даврида 177 нафар мансабдор турли кўринишдаги коррупциявий жиноятларни содир этганлиги учун жавобгарликка тортилди. Бундай жиноятлар оқибатида етказилган моддий зарар миқдори 20,9 миллиард сўмдан ошди.

Мазкур коррупциявий жиноятларнинг 31 таси соғлиқни сақлаш, 18 таси халқ таълими, 18 таси ички ишлар, 16 таси мактабгача таълим, 9 таси банк, 6 таси олий таълим, 6 таси мажбурий ижро бюроси, 4 таси солиқ, 1 таси адвокатлар, 62 таси бошқа корхона, ташкилот ходимлари томонидан содир этилган.

Прокуратура органлари томонидан

КОРРУПЦИЯГА МУРОСАСИЗМИЗ, АММО...

93 та жиноят ишлари бўйича ўтказилган дастлабки тергов ҳамда текширишларда бюджетга 8 миллиард 688 миллион сўм зарар етказилганлиги аниқланиб, 8 миллиард 510 миллион сўми бюджетга қайтарилиши таъминланган.

СОЛИҚЧИ ТАДБИРКОРГА КЎМАКЧИ ЭМАСМИ?

Кўрилган чоралар натижасида бир қатор жиноятлар бартараф этилди. Лекин айрим давлат органларида назорат ўз ҳолига ташлаб қўйилганлиги сабабли коррупция кўринишдаги жиноятлар содир этилишига шароит яратилмоқда. Афсуски, айрим раҳбарларнинг шахсий манфаатини жамият манфаатидан устун қўйиши ислохотлар йўлига ғов бўлмоқда. Хусусан, аслида тадбиркорга кўмакчи бўлиши талаб қилинаётган солиқ органлари томонидан улар фаолиятига ноқонуний аралашуви ҳолатлари давом этмоқда.

Мисол учун, Жомбой тумани дав-

лат солиқ инспекцияси бошлиғи 2020 йил март ойида тумандаги масъулияти чекланган жамиятидан мебель жиҳозлари олиб, пулнинг бир қисmini бермаган. Шу сабабли, жамият раҳба-

ри юқори ташкилотларга ариза билан мурожаат қилган. Бунинг учун қасд олиш мақсадида ДСИ бошлиғи сохта маълумотлар асосида жамиятда сайёр текширув ўтказиб, раҳбарни маъмурий жавобгарликка тортган.

Ҳолат юзасидан 2021 йил 30 январь куни жиноят иши қўзғатилиб, вилоят прокуратураси томонидан тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Фаолиятида йўл қўйган хато ва камчиликлари учун 2020 йилда вилоят давлат солиқ хизмати органларининг 458 нафар ходимига нисбатан интизомий жазо чоралари қўлланилган. Вилоят ҳамда ҳудудий давлат солиқ инспекциялари ходимларининг ҳаракатлари юзасидан тадбиркорлик субъектлари томонидан қилинган мурожаатлар асосида 15 марта хизмат текшируви ўтказилган.

Хусусан, Самарқанд ва Каттакўрғон шаҳар, Пайариқ, Пахтачи, Булунгур, Нарпай, Жомбой тумани давлат солиқ инспекциялари ходимларига нисбатан 1

тадан, Оқдарё, Ургут ва Самарқанд тумани давлат солиқ инспекциялари ҳамда вилоят бошқармаси ходимларига нисбатан 2 тадан мурожаат келиб тушган.

2020 йилда вилоят прокуратураси органлари томонидан солиқ идораларининг ноқонуний ҳужжатларига 21 та протест келтирилган. Шунингдек, 25 та тақдимнома киритилиб, 3 нафар солиқ ходими маъмурий, 18 нафари интизомий жавобгарликка тортилган.

МАСЪУЛЛАР НЕГА ТЕРГОВГА ТОРТИЛГАН?

Давлат солиқ сисёати ва бюджет тушумига масъул идора – солиқ хизмати органларини, афсуски, коррупциядан холи, деб айти олмаيمиз.

Масалан, Паст Даргом тумани давлат солиқ инспекцияси ходими хизмат мавқеидан фойдаланиб, мулкрий наф кўриш мақсадида фермер хўжалигининг 2,7 миллион сўмлик солиқ тўловларидан қарздорлигини йўқ қилиб бериши эвазига 1,5 миллион сўм пулларни фибрибгарлик йўли билан қўлга киритаётган вақтда қўлга олинган.

Вилоят бўйича 4,2 миллиард сўмлик қўшимча манбалар солиқ базасига қамраб олинмаган. Жумладан, Самарқанд шаҳри ва Оқдарё туманида 1,1 миллиард, Каттакўрғон туманида 980 миллион, Иштихонда 602 миллион, Пайариқда 107 миллион, Паст Даргомда 157 миллион, Нарпайда 46 миллион ва Каттакўрғон шаҳрида 5,8 миллион сўмлик солиқ ҳисоблашиши ва ундирилиши мумкин бўлган объектлар рўйхатга олинмаган.

Вазифасини лозим даражада бажар-

маган айрим ходимлар соҳада юзага келган вазиятдан ўз манфаати йўлида фойдаланишга ҳаракат қилган.

Мисол учун, Пайариқ тумани давлат солиқ инспекцияси мутахассиси фуқарога тегишли базмиғох фаолиятига раҳнамолик қилиш эвазига 500 минг сўм пул маблағини талаб қилиб, жинорий шериғи орқали уни олган вақтда ушланган.

Бундан ташқари, Оқдарё тумани давлат солиқ инспекциясининг 6 нафар ходими ўзига бириктирилган ҳудудларда яшовчи фуқаролардан 263 ҳолатда 55,9 миллион сўм пулларни ер ва мулк солиғи сифатида қабул қилган. Бирок бу маблағларни белгиланган тартибда тижорат банкарлига ёки давлат солиқ инспекцияси газнасига топширмастан, ўз эҳтиёжлари учун ишлатиб юборган.

Ҳолат юзасидан Бош прокуратура хузуридаги департаментнинг вилоят бошқармаси томонидан терговга қадар текширув ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Шунингдек, пандемия сабабли берилган имтиёзлар ҳам тўлиқ қўлланилмаган, 50 та субъектга қўйилган 12,3 миллион сўмлик инкассо топширмадан, Каттакўрғон, Паст Даргом, Пахтачи ва Тойлоқ туманларидаги бу ҳолат учун туман давлат солиқ инспекцияларининг масъул шахсларига нисбатан маъмурий ишлар қўзғатилган.

Ўткир МАМАТҚУЛОВ,
вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи.
Зафар ҲАМДАМОВ,
вилоят прокуратураси катта терговчиси.



Мустақиллик йиллари Самарқандда

1998 йил, ноябрь

20 ноябрь куни вилоят ҳокимининг қарорига кўра, "Зарафшон" газетасининг бош муҳаррири Музаффар Муқимов вазифасидан озод этилди.

декабрь

Самарқанд давлат университети психология кафедраси қошида "Жамият ва давлат ходимларининг демократик маънавиятини шакллантириш маркази" ташкил этилди.

9 декабрь куни вилоят ҳокими Э.Рўзиевнинг қарорига кўра, Фармон Тошев "Зарафшон" газетасининг бош муҳаррири этиб тайинланди.

Вилоятда: 97 минг гектар майдонга пахта экилди. Давлатга 251 минг тонна саноат хомашёси еказиб берилди; биринчи марта вилоятда 400 минг тонна ғалла етиштирилди. Унинг 232 минг тоннаси давлатга сотилди; 2200 тонна қумуш тола етиштирилди; давлатга 174 минг тонна картошка, 384 минг тонна сабзавот, 33 минг тонна полиз, 57 минг тонна мева, 87 минг тонна узум еказиб берилди; 142 минг бош қўйдан 144 минг қўзи олиниб, уларнинг 95 мингтаси ўстиришга қолдирилди. 50 минг дона қоракўл тери ишлаб чиқарилди; қишлоқларга 500 километр сув узатиш, 200 километр сув тармоқлари тортилди. 142 та қишлоқ врачлик пункти ишга туширилди.

1999 йил, январь

15 январь куни биринчи қаққир халқ депутатлари вилоят Кенгашининг XIII сессияси ўтказилди. Унда 1998 йил якунлари, вилоят бюджетининг ижроси ва жорий йилдаги режалар ҳақида сўз юритилди.

27 январь куни вилоят ҳокимининг қарорига кўра, Мирзаёро Худоёров Каттакўрғон тумани ҳокими, Жамшид Ашуров Тойлоқ тумани ҳокими этиб тайинланди.

февраль

22 февраль куни вилоят ҳокими Э.Рўзиевнинг қарорига кўра, Холмухаммад Нуруллаев Ургут тумани ҳокими этиб тайинланди.

Каттакўрғон шаҳрида илк марта "Аёл ва жамият" илмий конференцияси ўтказилди.

март

3 март куни Греция Республикаси Президенти Константинос Стефанопулос Республика Бош вазир У.Султонов ҳамроҳлигида Самарқандга келди.

Вилоят ҳокими Э.Рўзиевнинг "Маҳмудхўжа Бехбудий таваллудининг 125 йиллигини нишонлаш тўғрисида"ги қарори қабул қилинди.

«Бир келиб кетинг қишлоғимизга»»»»

Оқдарёнинг "оқ" ва "қора"си

Оқдарё тумани вилоят марказига яқин бўлгани сабабли ҳам бу ҳудудда олис туманлардагига қараганда аҳоли турмуши даражаси, ривожланиш яхши. Гуруч курмақсиз бўлмайди, деганларидек муаммолар ҳам йўқ эмас. Бунга "Бир келиб кетинг қишлоғимизга" рунки асосида лавҳа тайёрлаш истагида туманга ижодий сафаримиз чоғида гувоҳ бўлдик.

СУҒОНЧИГА ЛОЙИШНИНГ КЕНГАЙТИРИЛГАН, АММО ТИРБАНД КЎЧАСИДАН ЎТИБ БОРДИК

Оқдарёнинг Иштихон билан чегара ҳудудида жойлашган Суғончи маҳалласига туман маркази – Лойишдан ўтиб бордик. Икки йил аввал бу шаҳарчанинг кўчалари тор ва тирбанд эди. Автомашиналар мумкин бўлмаган жойларда ҳам тўхтаб турарди. Ҳозир йўллар кенгайтирилиб, кўча четида замонавий бинолар бунёд этилибди. Аммо тирбандлик ўша-ўша. Кенг кўчада жой топилмаганидан, автотураргоҳлар йўқлигидан машиналар пиёдалар йўлақларида тўхтаб тургани ва ҳаракатланаётганига гувоҳ бўлдик.

Кўп ўтмай туманнинг чекка ҳудуди Суғончиға етиб бордик. Маҳалла фуқаролар йиғини биноси ачинарли аҳволда экан. – Қишлоғимиздаги тадбиркорлардан бири томонидан давлат-хусусий шериклик асосида янги бино барпо этилиши режалаштирилган, – дейди маҳалла раиси Эшон Бозоров – Қурилиш учун зарур ҳужжатлар тайёрланган. Бинонинг бир қисминдан тадбиркор савдо маркази сифатида фойдаланмоқчи. Бунинг натижасида 5 нафар ишсиз фуқаронинг бандлиги таъминланиши кўзда тутилган.

МАКТАБДА "РЕПЕТИТОР" ЙЎҚМИ? ЎҚУВЧИЛАР ЁЛҒОНЧИЛИКНИ ЎРҒАНДИМИ?

Маҳалладаги 6-умумий ўрта таълим мактабидаги битирувчи синф ўқувчилари билан суҳбатлашиш истагида синфхонага кирганимизда геометрия дасиси тугаган экан. Нима учун кўпгина парталар бўш турганини сўраганимизда бизга ҳамроҳлик қилаётган мактаб директори турли баҳоналарни айтди-ю, чиқиб кетди. Орадан кўп



ўқув юртига тайёргарлик кўриш учун бошқа ҳудуддаги "репетитор"лардан сабоқ олаётгани аниқ бўлди.

– Мактабимизда касбий, фан ва спорт йўналишларидаги тўғараклар фаолият олиб боради, – дейди мактаб директори Чарос Муҳаммадиева. – Туманимиздаги 52-мактаб битирувчиларининг аксарияти олий ўқув юртиларига киради. Жамоатимизда ҳам билимли, тажрибали ўқитувчилар кўп. Аммо баъзи ота-оналар фарзандларига ўша мактаб ўқитувчилари репетиторлик қилиши учун уларга берган. Шу сабабли айрим битирувчи синф ўқувчилари ҳафтада бир-икки соат дарс қолдиради. Аслида бу мумкин эмас. Энди ўқишга кирса яхши бўлади, деб индамайимиз-да.

Ўйлаиб қолсан киши, нима учун мактабда олган билим билан битирувчи олий таълим муассасасига ўқишга киролмайди. Ўқувчи неға ўзи ўқиётган мактабда қўшимча, бепул тўғаракларга қатнашмасдан, бошқа мактаб ўқитувчиларига пул тўлаб тайёргарлик кўради? Нима учун бу маҳалла ўғил-қиз-

Боғчанинг катта бир биноси қишлоқ врачлик пунктига берилган. Кейинги йилларда оилавий поликлиникалар ташкил этилиб, библиотика муассасаси филиалга айлантирилди. Натияжада шу бино ҳам иккига бўлиниб, бир қисми профилактика инспекторига хизмат уйи сифатида ажратилди. Ҳаммаси бир ҳовлида жойлашган. Қишлоқ тиббиёт муассасаси ва боғча ўртасида чегара йўқ. Профилактика инспектори уйи билан мактабга таълим ташкилотининг чегараси бўлган девордан бир дарча очилган. Сабабини сўраганимизда, ўртадаги бир "пишма кран" профилактика инспектори, тиббиёт пункти ва боғча учун хизмат қилар экан.

– Боғчамизда 80 нафар бола тарбияланяпти, – дейди мактабга таълим ташкилоти директори Хуршида Убайдуллаева. – Муаммо биномизнинг эскилиги, аммо нолмайимиз. Бор имкониятдан фойдаланиб болаларни тарбиялаб келяпмиз. Шу йил ташкилотимиз учун янги бино қуриб берилиши режалаштирилган.

УРУҒЧИЛАР МАҲАЛЛАСИ

Маҳалла аҳолиси асосан томорқасида сабзавот маҳсулотлари ва қўқатларнинг уруғлари, зирavorлар етиштириш билан шугулланади. Бу ерда етиштирилган уруғлар нафақат Самарқанд вилоятига, балки республикамизнинг барча ҳудудларига тарқалади.

– Ўзим дуродгорман, бўш вақтларимда томорқада ишлаймман, – дейди Урадил қишлоғида яшовчи Абдумурод Исмолов. – Ўн сотиқ томорқадан йилгига икки-уч марта фойдаланамиз. Оиламиз билан эрта баҳордан кеч кузгача уруғ етиштирамиз. Шу ерда етиштирилган уруғнинг ўзидан 10 миллион сўмдан зиёдроқ даромад қиламиз. Бизни электр тармоғи, симёғочлар ва айрим ички йўлларимизнинг таъмирталабчилиги қийнаб келаётгани. Яқинда туман ҳокимлигига мурожаат қилдик. Муаммоларга шу йил ечим топилишини айтишди.

Суғончидан қайтаётим, бир йилдан сўнг бу маҳаллага яна бир келишни ният қилдик. Ушанда ҳудуддаги ижобий ўзгаришларни сураётган бўлиб, бошқа қишлоқларга ўрнатилган бўладиган жиҳатларини ёритамиз, деган умиддамиз.

Тўлқин СИДДИҚОВ,
Бахтиёр МУСТАНОВ.



ўтмай, танаффус пайтида, ҳали кейинги дарсга киришга кўнғироқ бўлмасдан "мумкинми?" дея бир неча ўқувчи кириб келди. Айримлари хатти-ҳаракати билан бу синфга бегона эканлигини сездириб қўйди. Улар билан суҳбат жараёнида аниқ бўлдими, икки нафари бошқа синфда ўқир экан. Бизнингча, уларга кимдир шу синфдаги бўш парталарни тўлдириб ўтириб туринглр, деган. Бироздан сўнг дарсга қатнашмаётган ўқувчилар олий


лари давлат томонидан қуриб берилган янги, замонавий мактаб ва унда яратилган шароитларнинг қадрига етмайди?

ЭСКИ БОҒЧАДА ТАРБИЯЛАНАЁТГАН ЯНГИ АВЛОД

14-мактабга таълим ташкилоти бир пайтлар тумандаги нуфузли боғчалардан бири бўлган экан. Кейинчалик эътиборсиз қолдирилиб, ачинарли аҳволга келиб қолган.

Вилоят божхона бошқармасига қарашли "Самарқанд аэропорти" чегара божхона постида йил бошидан буён 13821 нафар йўловчи "яшил" йўлак орқали, 48 нафар йўловчи эса "қизил" йўлак орқали ҳаракатланган.

Божхонадаги "йўлак"лар тадбиркорга ҳам, фуқарога ҳам имконият



Икки йўлакли тизим жорий этишдан олдин юртимизга Самарқанд аэропорти орқали кириб келишда бир рейсда учиб келган йўловчиларнинг (150-190 киши) юкларни қабул қилиб, чегара ва божхона назоратидан ўтиши учун ўртача 2 соат вақт сарфланган бўлса, эндиликда ушбу жараён 30-45 дақиқада амалга оширилмоқда.

Тожикистон Республикаси билан чегарада жойлашган "Жартепа" чегара божхона пости орқали ҳам бугун тадбиркорлар ўз товарларини қўшни давлатга экспорт қилишлари ёки товарлар импортини амалга оширишлари мумкин. Айни пайтда мазкур божхона постида "Smiths Heimann HСVM-3026" русумли мобил инспекцион кўрик мажмуаси ўрнатилган бўлиб, ушбу аппарат орқали товар орталардан автотранспорт воситалари божхона назоратидан тез ҳамда самарали ўтказилмоқда.

Шу билан бирга, ҳозирда божхона постида божхона назорати жараёнини соддалаштириш ва фуқаролар ҳаракатини тезлаштириш мақсадида инсон танасини сканер қилувчи "АДАНИ КОНПАСС ДП" русумли қуримла ўрнатилган.

Ҳозирги кунда "Жартепа" чегара божхона пости орқали Тожикистон Республикаси Суғд вилояти, Панжикент туманидаги педагогика институтиди таълим олаётган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари билан иборат талабалар ва Ўзбекистон Республикасида доимий яшаш ҳуқуқига эга бўлган ҳамда чет давлатлардан "чартер" авиарейслар билан Самарқанд аэропорти орқали Тожикистон Республикасига кетаётган ушбу давлат фуқаролари ҳаракатланмоқда. Жорий йилнинг 1 январь-

ридан 15 март кунига қадар ушбу пост орқали 3611 нафар фуқаро, 285 та транспорт воситаси ҳаракатланган. Хусусан, январь-февраль ойлари давомида 24 партияда жисмоний шахслар томонидан 55 минг 470 АҚШ долларига тенг бўлган товарлар Тожикистон Республикасига олиб чиқилган.

Бундан ташқари, жорий йилнинг ўтган даври давомида "Жартепа" чегара божхона пости ходимлари томонидан 5 ҳолатда товар моддий бойликларнинг ноқонуний ҳаракатланиши олди олиниб, 123,5 миллион сўмлик товарлар бўйича маъмурий ишлар юритилди.

2021 йил 1 январдан 15 мартгача ТИФ божхона постлари томонидан расмийлаштирилган 8963 та божхона юк декларациялари "Хавфни бошқариш тизими" қўлланилган ҳолда "қизил" (1847 та), "сарик" (4051 та), "яшил" (3065 та) ва "қўқ" йўлак (0) ни ташкил этган. Мазкур тизимдан фойдаланилиши, хавфни минималлаштириш чоралари қўлланилиши натижасида ўтган давр мобайнида давлат бюджетига 81,6 миллиард сўмлик қўшимча божхона тўловлари ундирилди.

Хавфни бошқаришнинг автоматлаштирилган тизими этилмасдан аввал божхона ходими томонидан божхона расмийлаштируви жараёни уч иш куни ичида амалга оширилган бўлса, эндиликда маълум бир дақиқаларда бажарилмоқда.

2021 йил январь-февраль ойи давомида бошқарма томонидан 117 ҳолатда 4 миллиард 604,7 миллион сўмлик товарлар ушлаб қолинган.

Жасурбек ФАЙЗУЛЛАЕВ,
вилоят божхона бошқармаси бошлиғи ўринбосари.

Унда сафо, латофат бисёр

Барча интиқиб кутган, инсонларга шодлик улашувчи Наврўзи олам қириб келмоқда. Азалдан буюк алломаларимиз, шоиру ёзувчиларимиз бу улуг айёмни васф этиб келадилар.

Абу Райхон Беруний ўзининг «Қонуни Маъсудий» асарида «21 март – Наврўз (янги кун), тун ва кун тенг бўлган кун. Янги йилнинг илк кун», деб ёзган.

Умар Хайёмнинг «Наврўзно-ма» асарида бу кун ҳақида тўлиқ маълумот берилган. XIX асрда яшаб ижод қилган ўзбек шоири ва тарихчиси Огаҳий Наврўзни куйидагича изоҳлаган:

Баланд айлаб кўёшга поя Наврўз,
Кўтарди ер юзидан соя Наврўз
Келиб файз-у ишрат-у айш бир-ла,

Мухайё қилди элга вояга воя Наврўз.
Қилибдир маҳлиқоларнинг юзи-ни,

Латофат муҳавига соя Наврўз.
Нима учун биз Наврўзни доим соғиниб, интизорлик билан кутамиз? Нега бу сана барчамиз учун энг севишли, энг ардоқлайдиган байрамимизга айланган қолган?

Бунинг сабаби, Наврўзи олам энг қадимий, асл миллий, турли мафкура ва сиёсатлардан холи, урф-одатларимиз ва қадриятларимизга жавоб берадиган байрам эканлигидадир. Наврўз ўз руҳи, гоялари билан ҳар қайси инсон она заминнинг, табиатнинг ажралмас узвий қисми, табиатнинг нақадар гўзал эканини ҳис қилиб, уни эъозлаб, ҳамнафас бўлиб яшашига ундаши билан қадри.

Ана шундай чуқур мазмун ва маънога эга бўлгани туфайли хосият ва файз, қут-барака ва мурувват



каби хусусиятларни ўзида мужассам этган шарқона янги йил – Наврўзи оламни барчамиз орзиқиб кутамиз, эъозлаймиз, хурсандчилик билан умуммиллий байрам сифатида нишонлаймиз.

“Миллий халқ ўйинлари, баҳорий таомлар тайёрлаш, қадимий анъана ва қадриятлар намойиши Наврўзнинг ажралмас қисмидир.”

Айни шу бетакрор айёмда юртдошларимиз халқимизга хос олижаноб хислату фазилатларни, бир-бирига меҳр-оқибат кўрсатиш, беморлар, кўнгли ярим инсонлар ҳолидан хабар олиш, табарруқ кексаларимизни йўқлаш, ўз қувонч ва шодлигини яқинлари, кўни-қўшнилари билан баҳам кўриш каби амалларни намоён этадилар.

Она Ватанимизда яшайдиган миллати, тили ва динидан қатъи назар, барча юртдошларимиз ана шундай кайфиятда Наврўзни қарши олади.

Саид-Жамол Мир-ЖАЪФАРОВ,
шарқшунос,
арабшунос олим.

Умида Умурзоқова Самарқанд ветеринария медицинаси институтининг 4-босқич талабаси. У 2019 йилда институтнинг агротехнология кафедраси биологика кафедрасида бажарилган «Қишлоқ хўжалик экинларида паразит бегона ўт – шумғиянинг зарарини илмий асослаш ва унга қарши биологик усулда курашни жорий қилиш» инновацион лойиҳасида иштирок этиб, «Паразит бегона ўтлар ва уларга қарши кураш» монографиясининг ҳаммуаллифи бўлди. Бугунги кунда дуккакли ўсимликлар бўйича илмий изланиш олиб бормоқда.

Умида қандай қилиб стипендиат бўлди?

Унинг билимдонлиги, тиришқоқлиги, изланувчанлиги эътибордан четда қолмади. Жорий йилнинг февраль ойида Умида Беруний номидаги давлат стипендияси соҳибаси бўлди.

– Ўзбекистонда озик-овқат маҳсулотлари, айниқса, таркибида оқсил сақловчи дуккакли дон экинлари етиштиришни кўпайтириш ҳамда тупроқни табиий азотга бойитиш, азотфиксация жараёнини бошқариш имкониятини ўрганиш олимларимиз олдидаги асосий муаммолардан ҳисобланади, – дейди Умида Умурзоқова.

– Маълумотларга кўра, биологик азот тупроқдаги азотни кўпайтиришнинг асосий манбаи бўлиб, ер унумдорлигини оширади, шу билан азотли ўғитларни қўллашга бўлган эҳтиёжни камайтиради. Атмосфера таркибидаги 78 фоиз тоза молекуляр азотдан инсон, ҳайвонот олами ва ўсимликлар дунёси етарлича фойдалана олмайди.

– Ҳўш, бунинг учун нима қилиш керак? Ерга минерал ўғитларни узлуксиз қўллаш мумкинми?

– Ўсимлик талабини қондириш учун ҳозирги

шароитда минерал бирикмалар таркибидаги азот кўпроқ керак бўлади. Ўсимлик учун молекуляр азот микдори етарли бўлса-да, у азот танқислигига учрайди. Сайёраимизда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш учун йилига 100-110 миллион тонна азот сарфланади. Ҳозирда деҳқончиликда минерал ўғит сифатида тупроққа азотнинг 30 фоизигина берилиб, унинг танқислиги асосан биологик усулда, яъни тупроқдаги азотфиксация қилувчи микроорганизмлар орқали қопланади.

Эскидан фойдаланиб келинаётган ва алмашлаб экиш қоидаларига риоя қилинмаган ерларда қишлоқ хўжалик экинларини етиштиришда минерал ўғитлар кенг қўлланилади. Уларнинг 60-70 фоизи ўсимлик томонидан ўзлаштирилади ва бу минерал моддалар, айниқса, азот ўсимлик учун етарли эмас. Бундан ташқари, минерал ўғитларни узлуксиз қўллаш, тупроқ таркибига салбий таъсир кўрсатади.

Минерал ўғитларнинг ўсимликлардан мўл ҳосил олишдаги аҳамиятини инкор қилмаган ҳолда, биологик азотдан кенг миқёсда фойдаланиш имкониятларини



олимларимиз исботлаган. – Тупроқ унумдорлигини ошириш, яъни унда соф азот тўплаш учун нима қилиш керак?

– Атмосферадаги азотни фиксация қилиш, яъни ўзлаштириш ўсимлик илдизидаги туганак бактериялар ва тупроқдаги микроорганизмлар орқали амалга ошади. Бунда туганак бактерияларни азот ўзлаштиришдаги имкониятлари юқори баҳоланади. Атмосфера азотини ўзлаштирувчи туганак бактериялар асосан дуккакли экинлар илдизида ҳосил бўлади. Масалан, бир гектар беда майдони тупроғида 300 килограммча ва дуккакли экинларда 50-60 килограммча соф азот тўплаши исботланган. Шу сабабли, деҳқончилик ривожланган мамлакатлар

экин майдонларининг 20-25 фоизини дуккакли экинлар ташкил қилади.

Бизнинг шароитимизда нўхат, соя, ловия, фасоль сингари экинлар илдизида ҳосил бўлган туганак бактериялар атмосферадаги азотни яхши ўзлаштиради.

– Бу борада келажакда қандай ишларни режалаштириш?

– Мен келгусида илмий тадқиқот ишларини давом эттириб, ҳамкорликда «NN» (Natural Nitrogen) илмий ишлаб чиқариш фирмаси ташкил этиб, туганак бактериялар фаолиятини фаоллаштириб, дуккакли экинлар майдонини кенгайтириш ҳисобига, тупроқ унумдорлигини ошириш ва экинлар ҳосилдорлигини кўпайтиришни илмий ва амалий асослашни ўз олдимга мақсад қилиб қўйдим. Келгусида ҳали бу борадаги истиқболли илмий тадқиқотлар олиб борилиши ва амалиётга жорий қилиниши зарур бўлган инновацион лойиҳалар ўз ечимини кўтиб турибди.

Талаблар орасида мана шундай иқтидорли ёшларнинг борлиги бизни қувонтирди, албатта. Умиданинг келгусидаги ўқиши ва ишлари омад тилаймиз.

Хуршида ЭРНАЗАРОВА
сўхбатлашди.

ҚОНУНБУЗАРЛИК ФАХР ЭМАС

Ҳарбий хизматда бўлганимда қизиқ бир ҳолатга дуч келганман: Россиядан чақирилган аскарларнинг кўпчилиги хизматдан олдин қамоқда ўтириб чиққан йигитлар экан. Аксарияти ҳеч бўлмаганда ўн беш суткалик жазони ўтаган ёшлар. Қизиги, улар бу билан жуда фахрланишарди.

Ҳатто қамоқда ўрганган қўшиқларини хиргойи қилиб юришарди. Масалан:

Иосиф Сталин – вы большой учёный,
В языкознании знаете вы толк.
А я простой советский заключённый,
И мне товарищ – серый Брянский волк.
За что сажу, воистину, незнаю,
Но прокуроры, видимо, правы.
Сажу я нынче в Туруханском крае,
Где при царе сидели в ссылке вы.

Армиядан қайтганимдан сўнг Сталиннинг тилшунослик ҳақида қанақа китоб ёзганлиги билан қизикдим. Ҳақиқатан ҳам унинг “Тилшунослик масалалари” деган асари бор экан. Китобдаги асосий мазмун – кичик тилларнинг бора-бора йўқ

ҲАЛОЛ МЕҲНАТИ

орқасидан яшаётган кишилар

«ИШБИЛМАС»,

«ЭПСИЗ», «СОДДА»МИ?

борлиги устида мақтаниб, ўзига хос мусобақа қилаётганлари борасида ҳам гап-сўзлар ора-лаб қолди. Аслида, бу фахрлангулик сифат эмас, аксинча, ўзаро инсоний меъёрларнинг бузилиши, ахлоқий таназзул аломатларидир.

НЕГА ТОВЛАМАЧИЛАР КўПАЙМОҚДА?

Яқинда “Ўзбекистон” телеканалининг “Муносабат” ток-шоу кўрсатувида иштирокчиларнинг республикамизда кейинги йилларда фирибгарлик ва товламачилик турлари бўйича жиноятларнинг кўпайиб бораётгани ҳақида куйиниб гапирганларига гувоҳ бўлдим.

Ҳақиқатан, охириги пайтларда “фалончи фалончини алдаб пулини олиб қўйибди”, “фалончи мошеникка чув тушибди”

сингари миш-мишларни тез-тез эшитадиган бўлиб қолдик. Маълумотларга кўра, мамлакатимизда товламачилик жинояти 2020 йилда ўтган йилга қараганда 37 фоизга кўпайган. Бир қарашда бундай ҳолатнинг ортиб бораётганлигига одамларнинг моддий жиҳатдан қийналиб қолаётганларини баҳона қилиб кўрсатиш мумкин. Нега десангиз, йилдан-йилга ишсиз ёшларнинг сони ўсиб, ижтимоий муаммолар ортиб бораётганлиги бор гап. Аммо бу билан уларни ҳаром-ҳариш йўллarga кириб кетаётганларини сира тушунтириб ҳам, оқлаб ҳам бўлмайди. Чунки халқимиз азал-азалдан ҳаром луқмадан ҳазар қилиб келган. Қаҳатчилик йилларида очликдан шишиб ўлиб қолганларида ҳам бировнинг нонига, молига кўз олайтирмаганлар. Эндиликда кишилар ўртасида ҳаромхўрлик шунчалик урф бўлиб кетдики, ҳалол меҳнати орқасидан қўл учидан яшаётган кишиларни “ишбилмас”, “эпсиз”, “содда” дея, уларнинг устидан куладиган кимсалар кўпайиб қолди. Ушбу ҳолатни, ҳатто, туппа-тузук зиёлиларимиз орасида ҳам кузатиш мумкин.

Бир кун беихтиёр икки журналист ўртасидаги сўхбат-

га гувоҳ бўлдим. Бири иккинчисини янги олган машинаси билан муборакбод қилиб табриклади. Иккинчиси биринчидан нега ҳалигача машина олмаётгани сабабини сўради. У омадли дўстига ҳозирча етарли пул жамғара олмаганлиги ҳақида ёзғирди. Шунда машинадор бўлган журналист ҳамкасбига: “Шунча йилдан буён редакцияда нима ... еб юрибсан?” деб уришиб берди. Бу гап менга милтиқнинг ўқидек теги – ўшанда менинг ҳам машинам йўқ эди. Чунки ўша йилларда маош билан машина олиб бўлмасди. Тўғри, ҳозир одамлар оддий касб-ҳунари билан ҳам бинойидек ҳалол яшамоқда. Бирок енгилнинг остидан, оғирнинг устидан юришига интилиш айрим ёш-яланглар ўртасида тобора урф бўлиб бораётди. Жамиятимизда коррупциянинг томир отгани, айрим юлғич кимсаларнинг паразитларча ҳаёт кечираётгани, бир сўз билан айтганда, давлат қонунларига изчил риоя қилинмаётгани ёшларимизнинг бир қисмининг маънавий айнишига сабаб бўлмоқда.

Фалсафашунос тадқиқотчи, публицист Хуршид Йўлдошев бу ҳақда қуйидагиларни ёзади:

“Одамлар ўғрилик, товламачилик, ёлғончиликни одадий ҳолдек қабул қилапти. Яъни, ёлғончилик ва ўғриликка истисно эмас, норма сифатида қаралапти. Улар нопок йўл билан бирор нарсага эришишдан ҳазар қилмаяпти, балки буни ишнинг кўзини билиш, уддабуронлик, ишбилармонлик деб атаяпти. Алдов меъёрга айлангани боис, одамларда ўзаро ишонч даражаси пасайган. Ўзаро ишонч бўлмаган жамиятда одамлар доим сергак, мудом стрессда яшашга мажбур”.

ҲАРОМХЎРЛИК ЯНГИ ГАПМИ?

Аслида, бу гаплар янгилик эмас. Ўтган асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб шўро мамлакатига коммунизм куриши эпллолмаган коммунист амалдорлар ҳеч бўлмаганда ўз

хонадонларида фаровон ҳаёт яратишга киришиб кетишди. Бунинг гувоҳи бўлган оддий фуқаролар ҳам алдам-қалдам йўллarga кириб, турли усуллар билан боилик орттириш пайида бўлишди. Порахўрлик, қўшиб ёзишлар, алдамчилик ва фирибгарлик сингари иллатларнинг илдизи айнан ўша даврга бориб тақалади.

Ушбу “мерос” мустақилликдан кейин ҳам шундоққина ҳаётимизга кўчиб ўтди. Бошқарув тизимимиздаги авторитар услуб ва тўлақонли фуқаролик жамиятининг шаклланмаганлиги коррупциянинг янада кучайиши учун замин яратди. Шу боис ҳам бугунги кунларда мамлакатимизда ҳаромхўрликка қарши муросасиз уруш эълон қилинди ва бу кураш аста-секинлик билан бўлса-да, сезиларли самараларини бермоқда.

ТАРИХ ВА ТИЛ – ИККИ УСТУН

Ҳар бир халқнинг жаҳон айвонида собит туриши учун бир неча муҳим омиллар бўлиши шарт. Булардан биринчиси – тарих. Ҳар бир халқ ўз тарихини яхши билимоғи, яъни жайдари қилиб айтилганидек, етти пуштини танимоғи шарт. Энди буни катта бир миллат миқёсида олиб айтадиган бўлсак, етти эмас, етмиш, балки етти юз бўгин ажодимизни билишимиз лозим.

Иккинчиси – тил. Ўз тилини йўқотган халқ ҳалокатга маҳкум. Шу боис тилни авайлаб асраш, уни бошқа йирик тиллар зўғумидан ҳимоя қилиш керак. Она тилимизга давлат тили мақомининг берилиши ҳали бу жараёнинг бошланиши. Шу маънода, тилимиз борасидаги жамхўрлигимиз узлуксиз давом этадиган юмушларимиздан биридир.

Биз учун учинчи яна бир муҳим иш – муқаддас динимизни пок ва ғуборсиз сақлаш масаласи. Маълумки, собиқ шўро замонида барча динларга бўлганидек, ислом динига ҳам гоят катта зарар етказилди. Худого ишонмайдиган, худодан кўркмайидиган бутун бир авлод дунёга келди. Хайриятки, мамлакатимиз мустабид салтанат занжирларидан озод бўлиб, динимизга эркин эътиқод қилинадиган замоналарга етиб келдик. Бирок ўтмиш асорати ҳар қадамда ўзини сездириб турибди. Энди муқаддас эътиқодимизни ёт оқимлардан асраш зарурати пайдо бўляпти. Хорижийи деса, хўрозқандни ҳам ётиб ялайдиган содда фуқароларимиз ахли сунна ва жамоа бир ёнда қолиб, аллақандай бегона мазҳабларга эргашмоқда. Имом Бухорий, Нақшбандий, Термизий, Ясавий ва Мотуридийларнинг авлодлари ўзларига аллақандай раҳнамо излаб юрибди.

Жаҳон миқёсида глобаллашув жараёнлари кенгайиб, чуқурлашиб бораётган шу кунларда маънавият, маърифат ҳамда миллий ўзлиқни асраб қолиш, турли-туман иллатлардан холи янги авлодни тарбиялаш масалалари тобора долзарблик касб этиб бормоқда. Ана шулар боис умуминсоний қадриятлар билан бир қаторда ўзимизнинг соф миллий аслиятимизни сақлаш, уларни келгуси авлодларга беғубор ҳолда етказиш энг муҳим вазифаларимиздан биридир.

Худойберди КОМИЛОВ,
Ўзбекистон Ёзувчилар
уюшмаси аъзоси.

Маҳмудхўжа Бехбудий ва тил маданияти

XX асрнинг биринчи чорагида фаолият кўрсатган Маҳмудхўжа Бехбудий, Абдурауф Фитрат, Мунаввар Қори, Ашуралли Зоҳирий, Қаюм Рамазон, Шокиржон Раҳимий, Ғози Олим, Маннон Рамз, Абдулла Йўлдош, Ёқуб Омон, Вадуд Маҳмуд, Абдулла Авлоний, Санжар Сиддик, Шорасул Зуннун, Ҳошим, Боту, Элбек сингари зиёлилар она тилимиз тараққиёти ривожига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган. Уларнинг тил маданияти ҳақидаги фикрлари нафақат ўз даврида, балки бугун ҳам катта аҳамият касб этади.

Ана шундай жонкуяр зиёлилардан бири Маҳмудхўжа Бехбудий ҳисобланади. У жаҳонга ўзбек миллий маданияти, маорифи, тили, урф-одати, анъаналарининг нуфузини, амалий ва илмий жиҳатдан тенгсизлигини ўз дарслик, дастур, монография ва мақолаларида шижоат билан кўрсата олган фан ва давлат арбоби эди.



Маҳмудхўжа Бехбудий кишиларнинг тарихан ташкил топган бирлиги - Туркистонда яшовчи миллат ёки элатларнинг умумий фикр алмашиш ва мулоқот воситаси, муҳим ривожланиш омилли бўлган тилларни тараққий қилдириш масаласига алоҳида эътибор берди.

Туркистонда туркий тилни расмий идора тили сифатида қабул қилиш зарурлиги хусусида 1908 йилда рус маъмурига мурожаат қилади. "Туркистоннинг муслмон аҳолиси, - дейди муаллиф, - асосан туркийда сўзлашади. Жанубий туманларда эса юз мингга яқин форсий-ғўй аҳоли бор. Шунга қарамай улар ҳам туркий тилини яхши биладилар. Туркистонлилар ўртасида ташқи кўриниши, дини ва тилида фарқ йўқ..."

Орадан ўн йил ўтгандан сўнг, яъни 1918 йилда Бехбудий шу масалани янги маъмурилар олдига қўйиб, Туркистонда туркий тиллар ичида ўзига хос нуфузга эга бўлган ўзбек тили давлат тили сифатида тан олинишни таклиф қилади.

"Содда тил нима учун керак?" - дейди Бехбудий. **- Атрофдаги қавму қариндоши билан сўзлашмоқ учун. Адабий ва илмий тил нима учун керак? Мавжуд илму фан ва тарихни билмоқ ва алардан фойдаланмоқ учун."**

Маҳмудхўжа Бехбудий бир мақола-сини "Икки эмас, тўрт тил лозим" деб атагани, "Тил масаласи" номи чиқишида эса дунёимизнинг илму фанидан хабардор бўлмоқ учун етти тилдан (яъни рус, немис, француз, англиз, италян, араб, япон тилларидан) бирини билмоқ кераклигини уқтиргани бизга яхши маълум.

Шуни ҳам уқтирмоқ лозимки, баъзи кишилар Бехбудийнинг тил хусусидаги қарашларини таҳлил этишда битта-иккита мақола шарҳ билан kiffoлланади. Ҳолбуки, унинг бу борадаги қарашлари ижодий меросининг катта қисмига сочилган ва уларни дур каби термоқ, сараламоқ керак.

Маҳмудхўжа Бехбудий ўзи муҳаррир-

лик қилган "Ойна" ва "Самарқанд" газетасидаги мақолалар ўзбек, тожик тилларидан ташқари, арабча, русчада ёзилиши мумкинлигини баён этади: "...ўз тирклигимиз учун алар хатини билмоқ зарур ва ҳадиси шариф далолатинча дастурлигига жойи инкор бўлмаса керакдур", дея фатво берган.

"Яна бир тил ва хат борки, - дейди Бехбудий бошқа бир ўринда, - бутун олам анинг ила сўйлашур. Ул фаранси тили ва хатидур". Бу билан Бехбудий ёшларни хоржий тилларни ўрганишга даъват этади. Зарурат туғилганда ҳатто яхудий тилини ўзлаштиришга шаръий йўл очиб берганини ёзади. Бу фикр асоссиз эмаслигини тасдиқлаш учун "Саҳиҳи Бухорий"дан ҳадис келтиради: "Жаноби пайгамбар ўз саҳобаларидан Зайд бин Собит(ға) яхудий хатини ўқиб ўрганмоққа буюрган эканлар. Ва ул жаноб Умар ҳазрат Нубувват панохи ила яхудий хатини ўрганиб, ҳазрат пайгамбарга яхудийлардан келатурган хатларни ўқуб берар эканлар".

М.Бехбудий мақолаларидан бирига "Ҳар миллат ўз тили ила фахр этар", деган ҳикматомуз ибора ("Ойна", 1914, 35-сон)ни сарлавҳа қилиб кўяр экан, фақат гурурланиш, ифтихор ҳисси етишмаслигини, "фахр этмоқ" билан бирга тилнинг муҳофаза чораларини кўриш лозимлигини таъкидлайди. "Сайёҳат хотиралари"да бу борада яхудийлардан ибрат олса арзишини баён этиб, "...ҳаммаимиз эски яхудий тили (иброний) ўқуйимиз, - дейди суҳбатдошлардан бири. - Ман ўзим русчадан бошқа билмас эдим. Бир йилдан бери ҳафтада икки соат иброний-

ча ўқудим. Энди ибронийча ўқудим. Энди ибронийча сўйлайман, ёзаман." Муаллиф ўша суҳбатдоши бошқа бир фаластин яхудийси билан ибронийча сўзлашгани ва "дунёдаги бутун яхудийларнинг энди тили бирлашур" деб суюнганини таъкидлашни ҳам унутмайди. Яхудийларнинг бундай суюниши билан kiffoлланмай, имкон бўлган ҳар бир вазиятдан фойдаланишни ҳам биладилар. "Адрнада, - дейди Бехбудий, - катта раста ва чорсуларни кездим. Эллик-олтмиш дўконда зўрға бир муслмон лавҳаси (вивескаси) кўрулуб, аксари "Юҳанна", "Шолом", "Никула", "Урхайдмиюс" ва амсоли яхудий исмларидур".

Маҳмудхўжа Бехбудийнинг тил хусусидаги қатор асарлари бугунги кунда ҳам аҳамиятини йўқотгани йўқ. Масалан, "Китоб-ул атофол" ("Болалар мактуби") асари ўз даврида бир неча марта нашр этилган эди. Бу китобга қирққа яқин форсий ва иншолардан намуналар киритилган. Шаҳодатнома ва бошқа иш юрийтишга доир ҳужжатлар ёзишни ўрганишдан таълим беради ҳамда намуналар келтиради. Волостнойхона, қозихонада ёзиладиган ҳужжатлар мана шу китоб орқали ўргатилган. Ёш ва катталарга мўлжалланган бу тўплам бугун ҳам давлат тилида иш юрийтишда жуда қўл келади.

"Китоб-ул атофол" илк ўзбек мактаблари учун тузилган дарслик сифатидагина эмас, айни пайтда тил, ёзув, маданиятимиз тараққиёти нуқтаи назаридан муҳим аҳамиятга моликлигини адабиётшунослар Б.Қосимов ва У.Долимов ҳам алоҳида таъкидлайди. "Пунктуацияннинг бизда қачондан қўллангани ҳақида мутахассислар орасида ҳали хануз тортишувлар юради, - деб ёзади улар. - Инқилобгача у бўлган эмас, дегувчилар ҳам топилади. Баъзилар "Туркистон вилоятининг газети"да айрим тиниш белгилари ишлатилган, дейиш билан чекланадилар. Бехбудий эса "Китоб-ул атофол"ида тиниш белгилар ("румуз")нинг ўнтасини келтиради".

Маҳмудхўжа Бехбудий давр тилининг мураккаблигини, эски ўзбек адабий тили, умумтуркий тил ва ҳозирги ўзбек тилига хос бирликларнинг аралаш ҳолда қўлланишини ўз вақтида тўғри англай олди ва бундан тўғри хулоса чиқарди. У янги адабий тил вужудга келиши учун тил бирликларининг янгича муносабат касб этишига замин ҳозирлайди. Яъни, озгаки сўзлашув тилига хос тил бирликларининг адабий тилга киритилишига ҳаракат қилди. Бу билан адабий тил, бадий, сўзлашув ва публицистик нутқларнинг синтетлашуви, яъни ягона адабий тил яратилишига маълум даражада ҳисса қўшди.

Муродқосим АБДИЕВ, Давлат тилида иш юритиш асосларини ўқитиш ва малака ошириш марказининг Самарқанд бўлими асари раҳбари.

Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов таваллудининг 80 йиллиги олдидан

Абдулла Орипов 1995 йилда ёзган "Соҳибқирон" шеърый драмасида буюк жаҳонгир - Амир Темурнинг феъл-атворини фалсафий фикрлар асосида очиб беради. Ундаги тас-вирларнинг ниҳоятда таъсирчан чиққанлиги ва уларда бадийликнинг юқорилиги адабнинг ютуғидир. Шу жиҳатдан «Соҳибқирон»да драматизм ва характернинг рўёбга чиқиши мантиқий асослар билан юз беради.

"Темурбек юлдузи олтин қозикдек, чарақлар буюклар қаҳқашонида"



Асар Амир Темур ҳақидаги шеър билан бошланади. Бу шеър рамзий маънога эга. Унинг лейтмотивини Амир Темурдек буюк қарқарнинг обрў-эътибори халқимиз тарихида катта қимматга эга эканлиги, истиқлол туфайли яна ўз халқига шон-шавкати билан қайтганлиги ташкил этади. Бу китобхон ва томошабинга мустақилликдан фахрлиши, Амир Темурдай улуг инсон аждоди эканлигидан гурурланиш туйғусини уйғотади.

Драмада Амир Темурнинг ўқувчи билан юзлашиши ҳам ўзига хос. У соч олдиришда. Соч баҳона сарта-рош билан сирлашади, ҳазил-мўтойиба қилади ва шу йўсида унинг кечмиши ўз тилидан ҳикоя қилинади. Фақат болалигининг Кеш атрофида кечганлигига эмас, унинг ёшлиқдан адолатга бўлган меҳри қилич чопиш хунари билан йўғрилиб, ўз шамширига «Куч - адолатда!» дея ёзилганлиги, «Чингизийлар мўр-малахдек босган бир пайтда» қасоскор ва эрксеварларни бир жойга тўплаб, «ялов кўтариб», тоғ-тош, доволарни, ғорларни макон туганлиги англашилди боради.

Соҳибқироннинг кейинги фаолияти ёшлиқдаги жўшқин ҳаракатининг узвий давоми эканлигини, ҳақиқат ва адолат олдида у ҳатто ўз фарзандини ҳам аямайдиган инсонлиги намоён бўлади.

Хусайн - тарихда ҳам, драмада ҳам мураккаб характерли шахс. Аввалига у ўз манфаатини ўйлаб, Амир Темур билан ҳамкорлик қилади. Соҳибқироннинг халқ орасида шўҳрати оша борганлигини кўргач, қандай бўлмасин уни йўқ қилиш ҳаракатига ташаббуси ҳам унинг ана шу ноўрин хатти-ҳаракати бўлади. Буларнинг барчаси, охир-оқибат Амир Темур томонидан Хусайннинг ўлимга ҳукм этилиши билан барҳам топади. Бу тарихий воқеаларда драманинг барча қаҳрамонлари Абдулла Орипов талқинида маҳорат билан тасвирланади.

Амир Темур бирор юртга юриш қилар экан, бунинг замирида ўша юртда тинчлик ўрнатиш, эл-юрт-ни жаҳолатдан, зулмдан қутқариш мақсади ётганли-

ги «Соҳибқирон» асарининг мағзига сингиб кетган. У Рум қайсари устидан ғалаба қозонгач, ҳузурига келган элчиларни хушнуд қабул қилар экан, уларнинг: «Аъло ҳазрат, Оврूपони Боязиддан Сиз қутқардингиз. Олтин ҳайкал муносиб Сизга», каби фикрларини тинглагач, уларнинг дилида нима борлигини ҳам, ўз дил истагини ҳам тўкиб солади. Бу деталга ҳам Абдулла Орипов моҳирлик билан ёндашган:

Олтин ҳайкал. Олтин ҳайкал. Хушомадми бу? Менинг қурган шаҳарларим - ҳайкалларимдир. Тагин шуни билингки, мен бутпараст эмас Савдо-сотик деган гап ҳам бордир дунёда, Не-не халқлар дўстлашгадир тижорат боис. Самарқандга таширф этсин қарвонларингиз. Ҳиндистондан Болқонгача бирор болакай Боши узра олиб ўтса лаган марварид, Йиллар оша улғаяди болакай, аммо Бир донга ҳам тўқилмағай ўша лагандан.

Драмани ўқир экансиз, Абдулла Орипов Амир Темур ҳаётидаги хушнуд дамларни ҳам, тушкун ҳолатларни ҳам асарга меъёри билан сингдириб юборишга уста эканига иқрор бўласиз. Масалан, Самарқанддан келган чопар Хитойдан мактуб келганини етказди. Амир Темур мактубни ўқир экан газабланда:

Бу қандайни қабохатким, Чин ҳукмдори Биздан йўлпан талаб қилмиш! Тавба қилдим! Сурбет! Муттаҳам!.. Мен дунёнинг тенг ярмини фатҳ этибману Кенжа фарзанд эмишман у осмон ўғлига. Тавба қилдим! Мантиқ қани? Адолат қани?

Мен уларни ўрнатгумдир Хитой ерида... Шундай безовталиқ билан турган онда чопар набираси Муҳаммад Султон дарди оғирлашгани ҳақидаги хабарни етказди. Амир бундай таҳликали пайтда ҳам ўз қалбиди газаб ва меҳрининг қанчалик ўрни борлигини очигашга муяссар бўлади:

У суоқли набирардир, валиҳадимдир. Аллоҳ менга қаҳр хиссин қанча мўл берса, Юрагимга ўшанчалик меҳр ҳам солимиш. Мени енгса меҳр хисси енгар оламда...

Умуман, драма Амир Темурнинг инсонларга хос самимий қиёфасини ҳам, ёвқур ва шижоатли сиймосини ҳам характер мантигидан келиб чиқиб очиб берган ва шу билан ўзига хос оригиналликка эришган. Зеро, муаллиф драма аввалида ёзганида:

Ҳар қанча этсанг эрзийди ўзбек, Балқисан бир зотнинг юксак шонида. Темурбек юлдузи олтин қозикдек Чарақлар буюклар қаҳқашонида.

Абдурахим СОЛИЕВ,
филология фанлари доктори.



1908 йилда Самарқанд шахрининг Чорраҳа маҳалласида туғилган Абдусалом Акрамов илк сабоқни педагогика билим юрти мақомидаги интернатда олди. Ушбу интернат камбағал оилалар фарзандлари учун бўлиб, болалар бу ерда яшаб, ўқиган, уст-бош, овқат билан таъминланган. Уни тугатгач, ўқитувчи бўлиб ишлади.

Шу билан бирга у Маҳмудхўжа Бехбудий очган мактабларда, Абдуқодир Шакурининг усули жаҳид мактабда таҳсил олди ва устозлари Шакурый, Раҳим Ҳошим, Вадуд Маҳмуд каби бу ишларни давом эттирди.

Ёш Абдусалом шундан сўнг жамиятнинг фаол аъзосига айлана бошлади. Дастлаб "Университет хиёбонидаги дарахтларни экишда, талабалар кўмитаси ташкил этишда, мусика тўгараклари фаолиятини йўлга қўйишда бош-қош бўлди. Чойхоналарда ёшларни билимга чорловчи кечалар ташкил этиди ва шундан сўнг, 1924 йилда акиси Насим билан бирга саводсизликни тугатиш мактаби очиб, ёшларни ўқитди. Бу эзгу ишда Саидризо Ализода, Абдуқодир Шакурый, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий маслаҳатига суянди, улар билан ҳамсуҳбат бўлиб таълим сирларини ўзлаштирди.

Кейинчалик Москвада "рабфак"да таҳсил олди. Москвада ўқиш баробарида Тожик ваколатхонасида аввал таржимон, сўнгра махфий қисм бошлиги ва масъул котиби лавозимларида меҳнат қилди. Саккиз тилни билгани учун Москвада ҳам бир муддат ишлайди. Шижоати, билими билан Ватанига хизмат қилишга бел боғлайди.

Бир қараганда унинг ҳаракатларида, ҳатто қарашларида ҳам бирор нотўғри йўл йўқ эди. Билим олиш ва уни одамларга ўргатишда эзгу мақсадларни кўзлаганди у. 1930 йилда ўқитувчилар малакасини ошириш институтида

БУКИЛМАС ИРОДА

директор ўринбосари сифатида фаолият юр-тади. Бу орада ЎзДУда хориж тарихи бўйича таҳсил олади. 1932 йилда «Наркомпрос»нинг топшириғига асосан Тожикистон педагогика институтига ишга жўнатилди ва у ерда ўзлаб ўқитувчиларнинг билимини бойитишга ҳисса қўшади. 1934 йилдан 1937 йилгача Самарқанд шаҳар халқ таълими бўлими мудири вазифасида ишлаб, бир пайтнинг ўзида институтда кечки таҳсил оладиган талабаларга дарс берди. Аммо шундай кунларнинг бирида бу оила бошига қора булут соя солди.

1937 йил 23 август бу оила учун қора кундай хотирада сақланиб қолган. Ҳеч қандай сабаб ва тушунтиришларсиз оила бошлиғи, Абдусалом Акрамовни НКВД ходимлари ҳибсга олишади. Унинг уйдаги барча китоб, қўлёзмалар олиб кетилади. Ачинарлиси, Акрамов озодликка чиққач бу нодир эшёлар оилага қайтарилмайди.

Камерада ўн ой ўтирди. Ўн ой давомида ҳеч қандай айблов, тушунтириш йўқ. Фақат туриш ёки ўтириш, ҳаво йўқлигидан аранг нафас олиш мумкин бўлган камера. Буларнинг барчаси ёш ва бақувват Абдусалом учун кўрқинчли эмас эди. Аммо... Кунларнинг бирида дим камерага янги маҳбусни олиб киришди. Сочлари оқарган бу маҳбусни кўрганда Абдусаломнинг юраги кинидан чиқиб кетаёзди. У ўзининг илмий маслаҳатчиси, Ўзбекистон миллий тарих-



чилар мактаби асосчиси, Ўзбекистон тарихи бўйича қўлаб илмий мақолалар муаллифи, барча талабаларнинг севимли устози, профессор Пўлат Солиев эди. Ушандагина Абдусаломнинг юрагида адолат тантана қилишига заррача ҳам умид қолмади. Ҳатто камерада ҳам устоз устозлигича қолди. У маҳбусларга Амир Темур, Мирзо Улуғбек, олим Вяткин ҳақида гапириб берар, Навоий дostonларидан парчалар ўқирди. 1938 йилда "халқ душмани" деган тухмат билан профессор Пўлат Солиев отилди.

Бу орада Абдусаломнинг тақдири ҳал қилинди. Ўзбекистон ССР Олий судининг махсус коллегияси Абдусалом Акрамовни 10 йилга меҳнат лагерларида қамок жазосига ҳукм қилди. Махбус А.Акрамов Куйбишев вилотидаги жўнатилади. Бу ерда "Безымная ТЭЦ" қурилишида ишлади. Уруш. Махбуслар уч ҳафта давомида кетма-кет 24 соат саноат майдончасида турган Сталин вахтаси. Уруш йиллари қурилиш ҳарбий қисм на-

зоратида ўтади ва маҳбусларнинг уларни урушга юбориш ҳақидаги аризаси рад этилади. Сабаби, ушбу объектлар фронт линиясининг муҳим қисмларидан бири этиб кўрсатилади.

Отам қатағон йилларидаги ҳаёти ҳақида кўп гапиришни истамас, биз, фарзандлар ҳам отамнинг кўнглини огритмаслик учун бу ҳақда сўрамасдик, - дейди у кишининг қизи Лола Акрамова. - Кейинчалик онам айрим воқеаларни бизга айтиб берган. Жумладан, қамокхонанинг 50 киши учун мўлжалланган камераларига 150 кишини жойлаштиришгани, турли жиноятчи, қотиллар билан бирга отам каби зиёлилар халққа зиё таратган, алломаларимиз меросини ўрганган олимлар ҳам кўп бўлганини эшитганмиз. Камерадагиларга ажратилган жой шунчалик кичкина бўлганки, бири ухлаб олиши учун бир нечаси тик туриб қутган. Бу ёқда қолган оиламизга ҳам кўп босимлар бўлгани ҳақида онамнинг йилгаб айтиб берганлари ҳамон қулоғим остида жаранглайди.

Айтишларича, отамни олиб кетишгач, энг яқин кўни-қўшлилар ҳам онам, бувим, яъни отамнинг оналари билан гаплашмай қўйган, уларни кўчада кўриб қолишса юз буриб кетишган экан. Бу ҳам ўша даврнинг мураккабликлари, одамларнинг ҳар шарпадан ҳам кўрқитиб қўйилганлиги оқибати бўлса керак. Кейин уруш йиллари бошланди. Нафақат «халқ душмани» деб топилган оила, балки бутун халқлар бошига қулфат солган, ҳеч бир оилани четлаб ўтмаган уруш йиллари бошланди. Онам Самарқанддаги "Ҳужум" фабрикаси ишчиларининг болалари учун ташкил этилган боғчада ишлаб, оиласини бу беомон кунлардан асраб қолди. Бешта жонга берилган бир бўлаккина нон, ҳар кун йўлаб, очликдан силласа қуриб, йўлларда нон сўраб вафот этган болаларнинг жасадини ортган аравалар, у ёки бу хонадондан тарқалаётган йиғи, фарёд овозлари... Онам буларни кўзёшиз гапирмас, гапира туриб, ўша замонларга қайтгандай анча вақт индамай қоларди.

1947 йилнинг августи. Ролпа-роса ўн йилдан сўнг Абдусалом оиласига қайтди. Унинг

«Қатағон қурбонлари»

онаси ўғлини қута-қута дунёдан ўтганди... Қай-тиб келганида уйи, боғини акаси олиб қўйган, рафиқаси, болалари эса онасининг уйда аша-ётган экан. Ҳужжатлари олиб қўйилган, ишсиз, уйсиз, болалари оқ...

«Оиламни олиб, Оқдарё туманига бориб меҳнат қилдик, - дея ёзиб қолдирган Абдусалом Акрамов ўз хотираларида. - Шу ерда бригадари сифатида ишлаб, янги боғ-роғлар барпо этдик, йўллар қурилишида қатнашдик. Аста-секин ҳаёт изга туша бошлади».

А.Акрамов 22 йил интиқ қутган воқеа 1959 йил 10 октябрда рўй берди: Акрамов Абдусалом Ҳусайнович оқланди! 1964 йилда ҳужжатларини тиклагача, Абдусалом Акрамов Улуғбек расадхонасида сақловчи бўлиб ишлай бошлади.

Устози Пўлат Солиев хотирасига буюк астрономнинг секстантини сақлаб қолиш, Вассилий Вяткиннинг қабри йўқ бўлиб кетишининг олдини олиш учун Мирзо Улуғбек музейини қуриш тўғрисида Москвага илтимосномалар ёза бошлади. Ниҳоят, Абдусалом Ҳусайновичнинг қатъияти натижа берди: Москвадан комиссия келди. Меморал қуришни бошлаш ҳақида қарор қабул қилинди.

Меҳнат лагеридаги оғир йиллар ўзини билдирди. Абдусалом Акрамов оғир касалликлар сўнг 1975 йил 23 апрелда ёруғ оламни тарк этди.

Бугунги кунда юртимизда тоталитар тузум даврида қатағон қилинган, Ватан мустақиллиги, халқимиз озодлиги учун курашда жасорат ва фидойилик кўрсатган аждоқларимиз хотирасини абадийлаштириш, фаолиятини ўрганиш ва меросини оммалаштириш ишлари давом эттирилмоқда. Уйлаймизки, олимлар Абдусалом Акрамов ва ўша машъум йилларда халққа маърифат тарқатган, фидойилик кўрсатган инсонлар ҳаёти ва фаолияти ҳақида чуқурроқ ўрганиш, изланишлар олиб боради. Зеро, ўз замонаси қурбонига айланган, ноҳақликлардан азият чекканлар хотирасини тиклаш эзгу ишдир.

Умида ХОЛБЕКОВА.

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ ЭКОЛОГИЯ ВА АТРОФ-МУҲИТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ БОШҚАРМАСИ ЖАМОАСИ

барча юртдошларимизни

Наврўзи олам

билан қутлайди.

Барча
яхши
ниятларингиз
амалга
ошишига
тилакдошимиз!



«ЖУМА ЭЛЕВАТОРИ»
акциядорлик жамияти жамоаси

вилоятимиз аҳли ва меҳмонларини

Наврўз айёми

билан табриклайди.

Махсулотлар сертификатланган

REKLAMA, E'LONLAR, BILDIRISHLAR / Gazetamiz haftada uch marta - seshanba, payshanba va shanba kunlari chop etiladi / Gazetada chop etilayotgan reklama va e'lonlar tezkor, samarali va hamyonbop / MUROJAAT UCHUN TELEFON: 66-233-91-56

ДАЪВОЛАР БЎЛСА

Самарқанд шаҳар давлат хизматлари марказидан 2021 йил 3 мартда 960120 реестр рақами билан рўйхатга олинган «SAM SIFAT CLEAN CARPET» оилавий корхонаси (қискартirilган номи: «SAM SIFAT CLEAN CARPET» ОК) корхона таъсисчиларининг 2021 йил 17 мартдаги қарорига асосан ихтиёрий равишда тугатилмоқда.

Шу муносабат билан унга билдирилган барча эътирозлар газетда эълон чоп этилган, икки ой давомида қабул қилинади.

Корхонанинг почта манзили: Самарқанд вилояти Самарқанд шаҳри, Қавола-4 маҳалласи.

Корхонанинг солиқ тўлайдиган идентификация рақами (СТИР): 308260992.

Ургут туманидаги «AMIR BARAKA INVEST» масъулияти чекланган жамияти (СТИР: 302853718) ўз устав фондини 586 865 902 (беш юз саксон олти миллион саккиз юз олти беш минг тўққиз юз икки) сўмдан 499 753 854 (тўрт юз тўқсон тўққиз миллион етти юз эллик уч минг саккиз юз эллик тўрт) сўмга камайтирмоқда.

Шу муносабат билан унга билдирилган барча даъволар газетда эълон чоп этилган, бир ой давомида қабул қилинади.

Манзил: Ургут шаҳарчаси Дўстлик маҳалласи, Почвон кўчаси, 17-уй.

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Алиева Лола Заировна нотариал идорасида марҳум Исабеков Комил Фарходовичга (2020 йил 27 июлда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Алиева Лола Заировна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Мирзо Улғубек кўчаси, 80-уй.

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Юсупова Дилсура Хасановна нотариал идорасида марҳум Рўзиев Рустам Узаковичга (2020 йил 21 сентябрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Юсупова Дилсура Хасановна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Абдурахмон Жомий кўчаси, 64-уй.

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Кадилова Мавлуда Туранбаевна нотариал идорасида марҳум Ваҳидов Валентиновичга (2020 йил 13 июлда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Кадилова Мавлуда Туранбаевна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

билан меросхўрларнинг Кадилова Мавлуда Туранбаевна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Амир Темур кўчаси, 152-уй.

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Юсупова Ирода Рустамовна нотариал идорасида марҳум Аралов Нематиллага (2020 йил 31 июлда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Юсупова Ирода Рустамовна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Боғдоқ кўчаси, 1-уй, 3-хона.

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Исмоилова Шахло Бахриллоевна нотариал идорасида марҳум Ашурова Мавлуда Хуррамовнага (2009 йил 23 мартда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Исмоилова Шахло Бахриллоевна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Абдурахмон Жомий кўчаси, 17-уй.

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Исмоилова Шахло Бахриллоевна нотариал идорасида марҳум Иралиев Халилға (2012 йил 28 февралда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Исмоилова Шахло Бахриллоевна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Абдурахмон Жомий кўчаси, 17-уй.

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Жўраев Камолитдин Мухиддинович нотариал идорасида марҳум Ниязов Амриддин Мухитдиновичга (2020 йил 28 сентябрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Жўраев Камолитдин Мухиддинович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Ўзбекистон кўчаси, 35-уй.

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Исмоилова Шахло Бахриллоевна нотариал идорасида марҳум Ваҳидов Валентиновичга (2020 йил 28 майда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Исмоилова Шахло Бахриллоевна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

мурожаат этишларини сўраймиз.
Манзил: Самарқанд шаҳри Абдурахмон Жомий кўчаси, 17-уй.

Пайриқ туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Мухаммадиев Фарҳод Жўракулович нотариал идорасида марҳум Элибекова Санталатга (1999 йил 2 июнда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилган. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Мухаммадиев Фарҳод Жўракулович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Пайриқ тумани Челақ шаҳарчаси, Истиклол кўчаси, 76-уй.

Самарқанд туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Норматов Мурод Тўйчиевич нотариал идорасида марҳум Шамсиев Хикматилло Тилавовичга (2020 йил 13 октябрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Норматов Мурод Тўйчиевич нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд тумани Андижон маҳалласи.

Жомбой туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Маматқулов Отабек Болбекович нотариал идорасида марҳум Аннабаев Абдуназарга (2020 йил 26 апрелда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Маматқулов Отабек Болбекович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Жомбой тумани Сарой кўчаси, 15-уй.

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Умаров Акмалжон Шавкатович нотариал идорасида марҳум Исмаилов Нодир Умаровичга (2017 йил 19 майда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Умаров Акмалжон Шавкатович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Амир Темур кўчаси, 52-уй.

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Алиева Лола Заировна нотариал идорасида марҳум Асроров Шухратга (2018 йил 5 августда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Алиева Лола Заировна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Мирзо Улғубек кўчаси, 80-уй.

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Ургут туманидаги «SHIFO BAXSH SIFAT MEVALAR» фермер хўжалигининг (СТИР: 304057186) думалоқ муҳри ва бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тойлоқ туманидаги «ASL SIFAT UNIVERSAL DIZAYN SERVIS» оилавий корхонасининг (СТИР: 308205290) думалоқ муҳри ва бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Ургут туманидаги 25-умумий ўрта таълим мактабидан 2001 йилда Узоқова Гулзода Хайруллоевна номига берилган O'R-A № 1076314 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги шаходатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд давлат университетидан 2014 йилда Артиков Убайдулло Дамин ўғли номига берилган рўйхат рақами 329, В № 732741 рақамли дипломнинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Ишхитхон хизмат кўрсатиш ва сервис касб-хунар коллежидан 2017 йилда Холбаева Умида Фахриддин қизи номига берилган рўйхат рақами 256, К № 4716850 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд шаҳридаги «EXPRESS IDEAL LUX» масъулияти чекланган жамиятининг (СТИР: 307072167) думалоқ муҳри ва бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Боғишамол sanoat касб-хунар коллежидан 2018 йилда Холиқова Муниса Бекназар қизи номига берилган рўйхат рақами 18, К № 0326133 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Паст Дарғом туманидаги 56-умумий ўрта таълим мактабидан 2015 йилда Холиқова Муниса Бекназар қизи номига берилган U № 6914934 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаходатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тойлоқ туманидаги 123-ўрта мактабдан 1991 йилда Бакоев Валихон Темурхоневич номига берилган А № 389105 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги шаходатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Ургут туманидаги 123-умумий ўрта таълим мактабидан 2010 йилда Худойбердиев Элдор Мамат ўғли номига берилган U № 4284938 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаходатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Қумринисо МАСАИДОВА

Бешафқат ўлим мунис она, мўътабар устоз Қумринисо Масаидовани орамиздан олиб кетди.



Қ.Масаидова 1942 йилнинг 26 август кунини Тожикистон Республикаси Конибодом тумани, Кучкак қишлоғида дунёга келди.

Мақтабни аъло баҳоларга тугатган Қумринисо ўқишини давом эттириш мақсадида хужжатларини Ленинобод педагогика институтига топширди. 1963 йилда институтни она тили ва адабиёт мутахассислиги бўйича тамомлади.

Иш фаолиятини Ленинобод шаҳридаги ўрта мактабда бошлади. Тақдир тақозоси билан Қумринисо Самарқанд шаҳрига келин бўлди. Кўп ўтмай Беруний номидаги педагогика билим юртига ишга кирди. 1970 йилдан нафақага чиққунига қадар педагогика билим юртида минглаб шогирдларга дарс берди, жамоада

хурмат-этибор қозонди.

Шунингдек, оилада ҳам 4 нафар фарзандни тарбиялаб, маҳаллада намунали оилалардан бири бўлди. 16 неварани, 11 эваранинг мосуи бўлган Қумринисо ая 2010 йилда муборак Ҳаж зиёратини адо этди.

Умрини эзгу ишларга бағишлаган Қумринисо Масаидова жорий йилнинг 14 март кунини оламдан ўтди. Унинг порлоқ хотираси яқинлари ва дўстлари қалбидан абадий яшайди.

БИР ГУРУХ ДЎСТЛАРИ ВА ЯҚИНЛАРИ.

ЙИҒИЛИШДА ҚАТНАШИНГ

“Булунғур улшасавдо” масъулияти чекланган жамияти таъсисчиларининг 2020 йил якуни бўйича ҳисобот йиғилиши 2021 йил 29 март кунини соат 10:00 да жамият маъмурий биносига ўтказилади.

- КУН ТАРТИБИДА:**
- 2020 йил якуни бўйича ҳисобот;
 - 2020 йил молия-иқтисод кўрсаткичлари ҳисоботи;
 - Ишламай турган мулк объектларини ишга тушириш;
 - Фойдани тақсимлаш;
 - Бошқа масалалар.

Манзил: Булунғур шаҳарчаси Амир Темур кўчаси, 17-уй. ЖАМИЯТ МАЪМУРИЯТИ.

ЧЕТ ЭЛ КАПИТАЛИ ИШТИРОКИДАГИ

НАМКОРВАНК

акциядорлик тижорат банки жамоаси

севимли байрамимиз -

Наврўзи олам

билан барча юртдошларимизни
табриклайди.



**БАЙРАМ КАЙФИЯТИ СИЗНИ ЙИЛ ДАВОМИДА
ТАРК ЭТМАСИН. ОНА ДИЁРИМИЗ РАВНАҚИ
ЙЎЛИДАГИ ИШЛАРИНГИЗДА ОМАД ТИЛАЙМИЗ!**

Хизматлар лицензияланган.

«САМАРҚАНД ИПАК ЙЎЛИ»

масъулияти чекланган жамияти жамоаси

Сизни яқинлашиб
келаётган

Наврўз айёми

билан муборакбод
этади.



Хизматлар лицензияланган.



«УРГУТ САВДО КОМПЛЕКСИ»

масъулияти чекланган жамияти жамоаси

юртдошларимизни

Наврўз байрами

билан қутлайди.

**АЗАЛИЙ
ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ ВА
АНЪАНАЛАРИМИЗ АКС
ЭТГАН УШБУ АЙЁМДА
БАРЧА ЭЗГУ ТИЛАКЛАРИНГИЗ
АМАЛГА ОШСИН!**



Хизматлар лицензияланган.

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ АВТОМОБИЛЬ ЙЎЛЛАРИ ҲУДУДИЙ БОШ БОШҚАРМАСИ

ҲАМДА ПАЙАРИҚ, ТОЙЛОҚ ВА НУРОБОД ТУМАНИ ЙЎЛЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ УНИТАР КОРХОНАЛАРИ ЖАМОАЛАРИ

вилоятимиз аҳли ва меҳмонларини

НАВРЎ БАЙРАМИ

билан табриклайди.

Янгиланиш ва яшариш фасли
ҳар бир хонадонга
қут-барака олиб кирсин.



«ЗАРАФШОН»

ИРРИГАЦИЯ ТИЗИМЛАРИ ҲАВЗА
БОШҚАРМАСИ ЖАМОАСИ

барча юртдошларимиз ва қишлоқ
хўжалиги ходимларини шарқона байрамимиз -

НАВРЎЗИ ОЛАМ

билан табриклайди.



БОШЛАНАЁТГАН ДЕҲҚОНЧИЛИК МАВСУМИ ОМАДЛИ КЕЛСИН!

КАДАСТР АГЕНТЛИГИНИНГ
ДАВЛАТ КАДАСТРЛАРИ
ПАЛАТАСИНING САМАРҚАНД
ВИЛОЯТИ БОШҚАРМАСИ
ЖАМОАСИ

бунёдкор
халқимизни
янгилаш
байрами -

Наврўз

билан
қутлайди.



«САМАРҚАНД АВТОМОБИЛЬ ЗАВОДИ»

масъулияти чекланган жамияти қўшма корхонаси жамоаси

барча юртдошларимизни янгилашиш ва яшариш айёми –

Наврўзи олам

билан самимий табриклайди.



Махсулотлар сертификатланган

**БАЙРАМ КАЙФИЯТИ
СИЗНИ ЙИЛ ДАВОМИДА
ТАРК ЭТМАСИН.
ҲАЁТИМИЗ
БУНДАН-ДА ФАРОВОН,
ОБОД БЎЛАВЕРСИН!**



«ТЕМИРЎЛ ДЕҲҚОН БОЗОРИ»

масъулияти чекланган жамияти жамоаси

бунёдкор халқимизни
баҳорнинг энг гўзал байрами
билан табриклайди.

**ДАСТУРХОНИНГИЗ
ТЎКИН-СОЧИН БЎЛИБ,
ХОНАДОНИНГИЗДАН
БАРАКА АРИМАСИН!**



Хизматлар лицензияланган.

HUDUDGAZ SAMARQAND

HGT GAZ TA'MINOTI FILIALI

барча самарқандликлар ва
шаҳримиз меҳмонларини

Наврўз айёми

билан муборакбод этади!



Хизматлар лицензияланган.

Zarafshon

САМАРҚАНДСКИЙ
ЕСТНИК

MUASSIS:

«Zarafshon» va
«Самарқандский
вестник»
gazetalari tahririyati
mas'uliyati
cheklangan
jamiyati

Bosh muharrir: Farmon TOSHEV

Gazeta O'zbekiston matbuot va axborot
agentligining Samarqand viloyat matbuot va
axborot boshqarmasida 2012-yil 30-martda
09-01 raqam bilan ro'yxatga olingan.
Nashr 100. Indeks 438.
18 708 nusxada chop etildi. Buyurtma 200

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va
shanba kunlari chiqadi.



Hajmi 2 bosma taboq, bichimi A-2

QABULXONA: (66) 233-91-51, REKLAMA VA E'LONLAR: (66) 233-91-56
BO'LIMLAR: (66) 233-91-57, 233-91-58, 233-91-59, 233-91-61

MANZILIMIZ: 140100, Samarqand shahri, Ulug' Tursunov ko'chasi, 80-uy,
Matbuot uyi.

Gazeta «Zarafshon» tahririyatining kompyuter bo'limida sahifalandi.
«Noshir lux» MCHJ bosmaxonasida chop etildi.
Korxonalar manzili: Samarqand shahri, Spitamen ko'chasi, 270-uy.
Bosishga topshirish vaqti: soat 18:30 da. Bosishga topshirildi: soat 19:00

Navbatchi muharrir:
A.SHERXOLOV.

Navbatchi:
G.MO'MINOVA.

Sahifalovchi:
B.ABDULLAYEV.

Sotuvda narxi kelishilgan holda

ISSN-201667X



9 772 010 667 009